




## **Мавзу: Солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби**

1. Солиқлар ва йиғимлар ҳисобининг аҳамияти ва вазифалари.
2. Ўзбекистонда солиқлар тизими.
3. Эгри солиқлар ва улар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби
4. Корхона давр харажатларига олиб бориладиган солиқлар ва йиғимлар ҳисоби
5. Фойдадан ҳисобланадиган солиқлар ҳисоби
6. Соддалаштирилган ҳамда қатъий белгиланган тартибда тўланадиган солиқлар ҳисоби.

**Солиқлар** – бу Солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари.

**Йиғим** – корхона, ташкилот, муасаса ва жисмоний шахсларга давлат органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан йиғим тўловчига маълум бир ҳуқуқ ёки лицензияларни беришни ўз ичига олган юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатни амалга ошириш учун тўланадиган мажбурий тўлов.



**Бевосита солиқлар** бевосита даромад ва мол-мулкка белгиланади (солиққа тортишнинг бевосита шакли), яъни бевосита солиқларнинг узил-кесил тўловчиси даромад олувчи (мол-мулкка эгалик қилувчи ва ҳ.к.) хўжалик субъекти ҳисобланади.

**Билвосита солиқлар** - нарх ёки тарифга устама кўринишида белгиланадиган, товар ва хизматлардан олинадиган солиқлар.

## Бухгалтерия ҳисобида акс эттириш хусусиятига кўра солиқлар:

- Харажатларга олиб бориладиган (ер солиғи, мулк солиғи);
- Маҳсулот баҳосига қўшиладиган (ҚҚС ва акциз);
- Фойда ҳисобидан тўланадиган (фойда солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи);
- Ходимлардан ушлаб қолинадиган солиқларга бўлинади.

## Солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобининг вазифалари:

- корхона томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар ва йиғимларни ҳисоб-китоб қилиш;
- ҳисобланган солиқ ва йиғимларни ўз вақтида бюджетга ўтказилишини таъминлаш;
- солиқ турлари бўйича солиқларнинг аналитик ҳисобини юритиш;
- солиқлар ва йиғимлар бўйича синтетик ҳисобни ташкил этиш ва юритиш.

## Солиқларга қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 10) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Солиқлар

```
graph TD; A[Солиқлар] --- B[Умумдавлат]; A --- C[Маҳаллий]
```

Умумдавлат

Маҳаллий



## Умумдавлат солиқлари

- Юридик шахсларнинг даромад солиғи;
- Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи;
- Қўшилган қиймат солиғи;
- Акциз солиғи (маҳаллий бюджетга тўланадиган қисмидан ташқари)

## Маҳаллий солиқлар

- Мулк солиғи;
- Ер солиғи;
- Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғи ва газдан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;
- юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ;
- республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи

## Йиғимлар

- алоҳида турдаги товарлар савдоси ҳуқуқини олиш учун йиғим;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғим;

Йиғимлар маҳаллий бюджетга тўлаб берилади.

**Билвосита солиқлар** - нарх ёки тарифга устама кўринишида белгиланадиган, товар ва хизматлардан олинадиган солиқлар.

Билвосита солиқларнинг пировард тўловчиси бўлиб, товар истеъмолчиси майдонга чиқади, унинг зиммасига солиқ нархда кўзда тутилган устамалар орқали юкланади. Мазкур ҳолда корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар ва хизматларни сотиб, солиқ суммалари ҳисобга олинган пул суммаларини оладилар, сўнгра олинган барча солиқ суммаларини тегишли тартибда бюджетга ўтказадилар.

Билвосита солиқларга **акциз солиғи** ва **қўшилган қиймат солиғи** киради.

### **Мисол.**

ҚҚС тўловчи корхона таннархи 50 000 сўм, сотиш баҳоси 60 000 сўм бўлган товарларни сотганлиги бўйича харидорга счет-фактура берди.

Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Муомала мазмуни	Сумма, сўм	Счетлар алоқаси	
			Д-т	К-т
1	Таннархига	50 000	9120	2910
2	Сотиш баҳосига	60 000	4010	9020
3	ҚҚС суммасига: 60 000 x 20%	12 000	4010	6410

### **Изоҳ:**

ҚҚС нархга устама кўринишида ҳисобланади ва харидорлардан олинadиган суммани ҳамда бюджетга тўланадиган мажбуриятни кўпайтиради.

### **Мисол.**

ҚҚС тўловчи корхона мол етказиб берувчидан баҳоси 100000 сўм бўлган товарларни харид қилди. Счет-фактурада товар қиймати билан бирга 20 000 сўм ( $100\ 000 \times 20\%$ ) ҚҚС кўрсатилган.

Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Муомала мазмуни	Сумма, сўм	Счетлар алоқаси	
			Д-т	К-т
1	Товар қийматига	100 000	2910	6010
2	ҚҚС суммасига: $100\ 000 \times 20\%$	20 000	4410	6010

### **Изоҳ:**

Харид вақтида ҚҚС мол етказиб берувчига тўланадиган суммани кўпайтиради ва бюджетга тўланган аванс тариқасида акс эттирилади. Ушбу товарлар сотилганда бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси мол етказиб берувчига тўланган ҚҚС суммасига камайтиради.

### **Мисол.**

ҚҚС тўловчи корхона таннархи 50 000 сўм, сотиш баҳоси 60 000 сўм бўлган товарларни сотганлиги бўйича харидорга счет-фактура берди.

Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Муомала мазмуни	Сумма, сўм	Счетлар алоқаси	
			Д-т	К-т
1	Таннархига	50 000	9120	2910
2	Сотиш баҳосига	60 000	4010	9020
3	ҚҚС суммасига: 60 000 x 20%	12 000	4010	6410

### **Изоҳ:**

ҚҚС нархга устама кўринишида ҳисобланади ва харидорлардан олинadиган суммани ҳамда бюджетга тўланадиган мажбурятни кўпайтиради.

### Мисол.

ҚҚС тўловчи корхона октябр ойида 150 000 сўмга товар сотиб олди ва ҳаммасини сотди. Ушбу товарларнинг сотиш баҳоси 185 000 сўмни ташкил этди.

Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Муомала мазмуни	Сумма, сўм	Счетлар алоқаси	
			Д-т	К-т
<b>Сотиб олиш вақтида:</b>				
1	Товар қийматига	150 000	2910	6010
2	ҚҚС суммасига: 150 000 x 20%	30 000	4410	6010
<b>Сотиш вақтида:</b>				
1	Таннархига	150 000	9120	2910
2	Сотиш баҳосига	185 000	4010	9020
3	ҚҚС суммасига: 185 000 x 20%	37 000	4010	6410
<b>ҚҚС бўйича тўланадиган суммани тузатиш</b>				
1	Харид вақтида ҳисобга олинган бўнак суммасига	30 000	6410	4410



### Мисол.

ҚҚС тўловчи корхона октябр ойида 150 000 сўмга товар сотиб олди ва товарларнинг 30 000 сўмлигини маъмурий харажатлар учун сарфлади. Қолган қисми тўлиқ сотилди. Ушбу товарларнинг сотиш баҳоси 140 000 сўмни ташкил этди.

Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Муомала мазмуни	Сумма, сўм	Счетлар алоқаси	
			Д-т	К-т
<b>Сотиб олиш вақтида:</b>				
1	Товар қийматига	150 000	2910	6010
2	ҚҚС суммасига: 150 000 x 20%	30 000	4410	6010
<b>Ўз эҳтиёжлари учун ишлатилган қисмига:</b>				
1	Товар таннархига	30 000	9420	2910
2	ҚҚС суммасига: 30 000 x 20%	6 000	9420	4410
<b>Сотиш вақтида:</b>				
1	Таннархига	120 000	9120	2910
2	Сотиш баҳосига	140 000	4010	9020
3	ҚҚС суммасига: 140 000 x 20%	28 000	4010	6410
<b>ҚҚС бўйича тўланадиган суммани тузатиш</b>				
1	Харид вақтида ҳисобга олинган бўнак суммасига (30000-6000)	24 000	6410	4410

### Мисол.

ҚҚС тўловчиси бўлмаган корхона ҚҚС тўловчиси бўлган корхонадан октябр ойида 150 000 сўмга товар сотиб олди ва уларни 30 000 сўм устама қўйган ҳолда сотди.

Ушбу операция бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

№	Муомала мазмуни	Сумма, сўм	Счетлар алоқаси	
			Д-т	К-т
<b>Сотиб олиш вақтида:</b>				
1	Товар қийматига	150 000	2910	6010
2	ҚҚС суммасига: 150 000 x 20%	30 000	2910	6010
<b>Сотиш вақтида:</b>				
1	Таннархига (150 000 + 30 000 (ҚҚС))	180 000	9120	2910
2	Сотиш баҳосига (180 000 + 30 000)	210 000	4010	9020
3	ҚҚС суммасига:	х	х	х
<b>ҚҚС бўйича тўланадиган суммани тузатиш</b>				
1	Харид вақтида ҳисобга олинган бўнак суммасига	х	х	х

Йиллик ҳисоботни топшириш пайтида солиқ инспекциясида.

Ҳисобот топшириш учун солиқ инспектори хонасига кирган бухгалтер қайтиб чиққач, чуқур хўрсиниб деди:

- **Топширдим ...**

Ҳисобот топширишдан кўрқиб турган ёш бухгалтер унга ялиниб сўради:

- **Илтимос! Ҳисоботингизни кўчиришга бериб турсангиз!**



*Эътнборингиз*

*учун раҳмат!*